Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

27 февраль 1972 йил, якшанба ✦ № 49 (15.220). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР 50 ЙИЛ

ҒАЛЛА МЎЛ БЎЛСИН

✦ МЕЛИОРАТОРЛАР СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ҚАРШИ ЗАРУР ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАМОҚДАЛАР.

✦ ЯНГИ НАВ ЧИГИТ МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА.

✦ ТЕХНИКА РЕМОНТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Узбекистон ССР Министрлар Совети «Республиканинг колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда айтиладики, республикада деҳқончилик маданиятини юксалтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, суғоришни ривожлантириш ҳамда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан катта иш қилинди, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари мамлакатни тобора кўп пахта билан таъминлашдан иборат асосий вазифани ҳал қила бориб, суғориладиган ва лалми ерлардан янада интенсив фойдаланиш асосида дон етиштиришни тез кўпайтирмоқдалар. Ғаллакор хўжаликлар саккизинчи беш йиллик мобайнида бундан аввалги беш йилликдагига нисбатан дон етиштиришни 380 минг тонна оширдилар, шоли етиштириш эса 65 процент кўпайди. 1- «Ғаллаорол», «Қорақишлоқ», «Ғаллақудуқ», 2- «Зомин» совхозлари, Тошкент областидаги Калинин номли, «Гулистон» колхозлари 1971 йилнинг ноқулай қурғоқчилик шароитларида лалми ерларда гектар бошига 7-10 центнердан буғдой ва арпа етиштирдилар.

«Ал-Хоразмий», Чапаев номли, «Сирдарьинский» шоликорлик совхозлари бултур гектар бошига 35-45 центнердан, Тошкент областидаги Свердлов номли, «Полярная звезда» колхозлари, Хоразм областидаги «Коммунизм» колхози гектар бошига 55-65 центнердан шоли олдилар. Сариосиё районидаги «Коммунизм», Самарқанд районидаги «Победа» колхозларида, «Савай» совхозида ва кўпгина бошқа хўжаликларда ҳар йили гектар бошига 60-70 центнер ва бундан ҳам кўп маккажўхори дони етиштирилмоқда.

Бироқ деб таъкидланади қабул қилинган қарорда, кўпгина колхоз ва совхозларда лалми ерларда буғдой ва арпа, суғориладиган ерларда шоли, дон, маккажўхори ва оқ жўхори етиштиришни кўпайтиришнинг катта имкониятлари ва резерврларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системаси жуда секин жорий этилмоқда, кўпчилик хўжаликларда лалми ерларда доимо бошоқли экинлар етиштириб келинаётганлиги далада бегона ўт кўпайишига, ернинг кучсизланиб қолишига ва қурғоқчиликнинг ҳосилга зарарли таъсирининг ошишига олиб келмоқда. Бултур Қашқадарё ва Сурхондарё областларида экин майдонларининг 1-2 процентигагина дам берилган. Шу билан бирга Тошкент областида 14 минг гектар, Сирдарё областида 43 минг гектар, Самарқанд областида 77 минг гектар, Қашқадарё областида 29 минг гектар, Сурхондарё областида 43 минг гектар лалми бўз ерлардан фойдаланилмаяпти.

Кўпгина колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти хануз паст: агротехникани қўпол бузишга йўл қўйилмоқда, экин экиш ва ҳосилни ўриб-йиғиб олишнинг энг қулай муддатлари ўтказиб юборилмоқда, гербицидлар ва минерал ўғитлардан етарли фойдаланилмаяпти. Булунғур райони ва бир қанча бошқа районларнинг хўжаликларида гектар бошига атиги 3-4 центнердан ҳосил олинаётганлигининг сабабини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Кўпгина хўжаликлар дон, шу жумладан шоли етиштиришни кўпайтириш учун суғориладиган ерлардан ҳамон самарали фойдаланмаётирлар.

Қорақалпоғистон АССР колхозлари гектар бошига атиги 20,9 центнер, Сирдарё областининг колхозлари 18 центнер, Фарғона областининг колхозлари 21,4 центнер шоли олдилар.

Дон учун маккажўхори ва оқжўхори етиштириладиган майдонлар жуда секин кенгайтирилмоқда, бу экинларнинг ҳосилдорлиги эса жуда паст. Суғориладиган ерларда дон етиштиришнинг муҳим манбаи бўлмиш маккажўхори, оқжўхори ва арпа кетидан силосбоп маккажўхори, мош, тариқ ва бошқа хил такрорий экинлар етиштиришдан, шунингдек шартли суғориладиган ерларда бошоқли экинлар етиштиришдан фойдаланилмаяпти. Бедадан кейинги биринчи йил суғориладиган ерлардан норационал фойдаланиляпти, кўпгина хўжаликлар беда билан қўшиб экилган арпадан кам ҳосил олмоқда, аралаш ҳолда оралиқ экинлар экиш сусткашлик билан жорий этилмоқда.

Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг давлатга дон сотишдан ҳоли қилинган кўпгина хўжаликлари жамоат чорвачилигининг эҳтиёжлари учун дон етиштиришни кўпайтира олмаяптилар.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари суғориладиган ва лалми ерларда дон етиштиришни кўпайтириш ишлари учун, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII ва XIII пленумларининг «Республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари сўзсиз бажарилиши учун хўжаликларнинг раҳбарларига қўйиладиган талабларни бўшаштириб юбордилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг дон етиштиришни кўпайтиришга оид қарорларини амалга ошириш мақсадларида **қарор қилдилар:**

Дон хўжалигини ривожлантиришда қайд этилган камчиликларни тезроқ тугатиш ва лалми ҳамда суғориладиган ерлардан янада интенсив фойдаланиш асосида дон етиштиришни анча кўпайтиришни таъминлаш республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

Қарорда Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик, совхозлар, озиқ-овқат саноати, тайёрлаш, мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» бирлашмаси, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, шунингдек колхоз ва совхоз раҳбарлари зиммасига 1972 йилдан бошлаб лалми ерларда етиштириладиган донни 616 минг тоннага, суғориладиган ерларда шу йилги беда билан қўшиб экилган экинлар ҳосилини 209,6 минг тоннага, маккажўхори ва оқжўхори ҳосилини 350 минг тоннага, шоли ҳосилини 247 минг тоннага етказиш учун ҳар бир хўжаликда конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилади. Шу мақсадларда:

— бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига, айниқса лалми ерларда донли экин майдонларини кенгайтириш лозим.

Барча лалми ерлардаги ғаллакор хўжаликларда деҳқончилик маданиятини юксалтириш чоралари, районлаштирилган нав уруғликларини экиш, донли экинлар парвариши, шудгорлаш системаси, ўғит ишлатишнинг прогрессив усулларини жорий этиш чоралари кўрилмоғи керак. Бошоқли дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун экин касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини кучайтириш таклиф этилди;

— суғориладиган ерларда маккажўхори ва оқжўхори донини етиштиришга муносабатни тубдан ўзгартирмоқ, 1972 йилда дон учун етиштириладиган шундай экин майдонларини 100 минг гектарга етказиш, экин парваришини яхшилаш, гектар бошига камида 35-40 центнердан дон олиш керак.

Дон ўрим-йиғимини механизациялаш ва суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланиш мақсадларида дон учун экиладиган, шунингдек лавлагига қўшиб экилган маккажўхори майдонларининг қатор ораларини одатда 90 сантиметрдан қилиб олиш тавсия этилади.

Аралаш қилиб экилмаган далалардан дон учун маккажўхори ва бошоқли экинлар йиғиштириб олинганидан сўнг силос учун такрор маккажўхори экиш, шунингдек силос ва кўк озуқа учун ангизига экилган оқжўхоридан иккинчи ҳосил олинишини таъминлаш тавсия этилади;

— суғориладиган ерларда бедани одатда арпа ва буғдойга аралаштириб экиб, шу йилги экинзорлардан камида 20-25 центнер дон ва 40-50 центнер беда пичани олинишига эришмоқ лозим.

Нут, мош ва бошқа дуккакли экинлар дони етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилиши кўзда тутилади;

— колхоз ва совхозларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чораларини кўриш, илғор хўжаликларнинг тажрибаларини ҳамма жойда жорий этиш ва шу йилнинг ўзидаёқ шоли ҳосилдорлигини гектар бошига камида 40 центнергача етказиш лозим;

«Главсредазирсовхозстрой», «Узглавводстрой», Узбекистон ССР совхозлар министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ихтисослаштирилган шоликор совхозларда ўзлаштириш ва шоли етиштиришни кўпайтириш учун фойдаланилмаётган катта-катта ер резервлари борлигини назарда тутиб, шолипояга айлантириладиган ерларни инженерлик-мелиорация жиҳатидан тайёрлашни тезлаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди;

— донли экинлар ва маккажўхори уруғчилиги ишини яхшилаш, 1972 йилдан бошлаб ҳар бир хўжаликда уруғликни керагича жамғариш, уни ўз вақтида тозалаш ва яхши сақлашни таъминлаш лозим.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида «Узсельхозтехника» бирлашмасига ғаллакор колхоз ва совхозларни етишмаётган техника билан, айниқса дон учун етиштириладиган маккажўхори, оқжўхори, шоли, дуккакли дон экинларини парвариш қилиш ва ҳосилини ўриб-йиғиб олишни механизациялашга имкон берадиган техника билан таъминлаш, шунингдек трактор, комбайн, қишлоқ хўжалик машиналари ва автотранспортни ўз вақтида ремонт қилиб бериш вазифаси топширилди.

Суғориладиган зонада маккажўхори ва ғалла ўриш комбайнларидан ғоят рационал фойдаланиш мақсадларида область ва районларда «Узсельхозтехника» бирлашмаларининг махсус ўрим-йиғим отрядларини тузиш мақбул деб топилди. Мана шу отрядлар колхоз ва совхозлар билан тузилган шартномаларга биноан дон учун етиштирилган маккажўхори билан бедага аралаштириб экилган арпа ўриб-йиғиб беради.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси ана шу масала юзасидан ўз таклифларини Узбекистон ССР Министрлар Советига топширмоғи керак.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш учун комсомол-ёшлар бригадалари ҳаракатини яна бошламоғи, ҳар бир колхоз ва совхозда шундай бригадалар тузмоғи, уларнинг ишини назорат қилишни кучайтирмоғи ва мўл дон ҳосили етиштиришда уларга ёрдам бермоғи лозим.

Узбекистон касаба союзлари республика советига, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ғалла ва дон учун етиштириладиган маккажўхоридан мўл ҳосил олиш илғорларини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари топширилди.

Қарор область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотлари зиммасига суғориладиган ва лалми ерларда бошоқли экинлар, маккажўхори ва оқжўхори дони етиштирувчи ихтисослаштирилган бригадаларни тузиш ва уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, шу бригадалар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш вазифаларини юклайди. Дон етиштириш ва уни давлатга сотишни кўпайтириш, уруғлик ва озуқа фондини тўлдириш юзасидан белгиланган план ва мажбуриятлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилишни кучайтириш зарур. Беш йиллик мобайнида дон ҳосилдорлигини гектар бошига камида 4 центнер ошириш ва дон етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бевосита бригадалар ва бўлимларда оммавий-сиёсий ишларни кенг қулоч ёйдириш лозим.

ХОРАЗМ деҳқонлари баҳорни шайланиб кутиб олмоқдалар. «Узсельхозтехника» Урганч район бирлашмасининг коллективи ҳам кўклами экишга барча техникани шайлаб қўйди. Бу соҳада ремонтчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Суратда: илғор моторист Н. Абдуллаев.

К. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

КОСМОСДАГИ БУЮК ЭКСПЕРИМЕНТ ТУГАЛЛАНДИ!

Совет космик фани ва техникаси Ойни тадқиқ қилишда янги ғалабани қўлга киритди. «Луна-20» автомат станцияси парвози программаси муваффақиятли тугалланди.

«Луна-20» автомат станциясининг қайтариладиган аппарати 1972 йил 25 февралда Совет Иттифоқи территориясининг мўлжалланган районига қўнди. Ойни ўрганишнинг навбатдаги вазифаси ажойиб тарзда ҳал қилинди. Ойнинг бориш қийин бўлган материк районидан биринчи марта олинган Ой замини намуналари Ерга етказилди.

Космосдаги мураккаб эксперимент бир неча босқичда ўтказилди.

«Луна-20» автомат станцияси 1972 йил 14 февралда учирилган эди. Станция космосда 105 соат учганидан кейин Ой атрофи орбитасига чиқди. Ойнинг мўлжалланган районига қўндиришни таъминлаш мақсадида станция 19 февралда тўғрилаб қўйилди.

«Луна-20» автомат станцияси 21 февраль Москва вақти билан соат 22 дан 19 минут ўтганда Серобликнинг денгизи билан Кризислар денгизи ўртасидаги тоғли материк районига оҳиста қўнди. Шу билан автомат аппаратни Ой замини мураккаб бўлган районга қўндиришдан иборат илмий-техникавий вазифа муваффақиятли ҳал қилинди.

Автомат станция қўниб, унинг ичидаги системаларнинг ҳолати текшириб кўрилгандан кейин телефотометрик қурилмалар ишга туширилди. Ана шу қурилмалар ёрдамида олинган Ой юзасининг тасвирлари замин намуналари олиш учун жой танлаш имконини берди. Замин намуналари олиш операциясининг ҳаммаси Ердан берилган командага мувофиқ ўтказилди. Замин намуналарини оладиган механизм Ой замининг намуналарини ва ундан намуналарни олди. Сўнгра Ой замининнинг бу намуналари қайтариладиган аппарат контейнери ичига солиниб, унинг қопқоғи маҳкам беркитиб қўйилди.

Станция Ойда ишлаб турган чоқда станция турган жойнинг координатлари аниқланди ва парвозга тайёргарлик ишлари ўтказилди.

Космик ракета қайтариладиган аппарат билан бирга қўниш босқичидан платформа сифатида фойдаланиб, 23 февраль Москва вақти билан соат 1 дан 58 минут ўтганда Ойдан парвоз қилди.

Автомат станция Ой билан Ер трассаси бўйлаб парвоз қилган чоғда ўтказилган радио алоқа сеансларида команда бериш-ўлчаш комплексининг Ердаги станциялари телеметрик ахборотларни қабул қилдилар ва траекторияларни ўлчадилар. Олинган маълумотлар кема ичидаги системаларнинг ҳолатини ва парвозининг ҳақиқий траекториясини контроль қилиш мақсадида координациялаш-ҳисоблаш марказида ишланди.

«Луна-20» станциясининг космик ракетаси 25 февралда иккинчи космик тезликда Ерга томон яқинлашди. Мўлжалланган вақтда қайтариладиган аппарат космик ракетадан ажралди. Шундан кейин қайтариладиган аппаратнинг Ерга қўнишгача бўлган парвози Ердаги радиолокацион воситалар ёрдамида кузатиб турилди.

Қайтариладиган аппарат Ер атмосферасининг зич қатламларига кирган чоқда аэродинамик тормозланиш бошланди. Унинг охирги участкасида парашют системаси ишга туширилди. Шу тариқа қайтариладиган аппарат Москва вақти билан соат 22 дан 12 минут ўтганда Қозоғистон ССРнинг Жезқазган шаҳридан 40 километр ғарби-шимолдаги мўлжалланган районга ғоят аниқ қўнди.

Метеорология шароитлари ғоят ноқулай: қаттиқ шамол эсганлиги, қор-бўрон турганлиги ва булут паст бўлганлигига қарамай қидирув хизмати ходимлари қайтариладиган аппаратни эвакуация қилишни таъминлади.

Космосдаги мураккаб экспериментнинг ҳамма босқичлари — станциянинг Ойга томон ва Ой атрофи орбитаси бўйлаб парвози, Ой юзасига оҳиста қўниши, замин намуналари олиши, Ойдан парвоз қилиш ва Ерга қайтиб тушиши программага тўла мувофиқ тарзда ўтказилди.

Автомат аппарат Ойнинг материк қисмидан олиб келган Ой замини намуналари илмий тадқиқотлар учун СССР Фанлар академиясига топширилди. Ойнинг янги районидан олиб келинган замин намуналарини ўрганиш ва анализ қилиш Ойнинг табиати ва эволюцияси ҳақида ҳосил қилинган билимларни кенгайтириш учун маълумот беради.

Ой замини намуналарини тадқиқ қилиш натижалари эълон қилинади.

«Луна-20» совет станциясининг парвози автомат аппаратлар ёрдами билан Ойни ва планеталарни тадқиқ қилишнинг катта имкониятлари борлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди ва жаҳон космонавтикаси тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қўшилди.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Фарғона области қишлоқ хўжалик илғорларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда фарғоналиклар билан мусобақадош Андижон, Наманган, Уш ва Ленинобод областларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. Умаров ўтган йил якунлари ва беш йилликнинг иккинчи йилида қишлоқ меҳнатчиларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров кенгашда нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари 1972 йил учун якдиллик билан социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ватанга 510 минг тонна пахта, кўп миқдорда гўшт, сут, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари беришга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ НАВЛАРИ ЭКИЛАДИ

«Тошкент-3» навининг уруғлик чигитлари ортилган биринчи вагон Хўжайли темир йўл станциясига етиб келди. Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районидаги колхоз ва совхозларда бу янги нав чигитни экиш учун 1,7 минг гектар ер ажратиб қўйилди.

Автоном республиканинг жанубий районларида эса 20 минг гектар ерга мана шундай вилтга чидаш берадиган «Тошкент-1» ва «Тошкент-2» навларидан бўлган чигит экилади. Вилт кўп тарқалган далаларга бултур мана шу нав чигитни эккан Беруний, Тўрткўл ва Амударё хўжаликлари юқори ҳосил олишди. Масалан, Беруний районидаги С. Оржоникидзе номли колхозда Сатимбой Абдукодиров бригадаси ҳар гектар ердан 44,7 центнерга етказиб ҳосил кўтарди.

Кўкламги экиш бошлангунча Қорақалпоғистон колхозлари ва совхозлари Тошкент ва Фарғона областларидан икки минг тоннага яқин «Тошкент» навларидан бўлган уруғлик чигит оладилар.

ХУЖАОБОД районидаги Димитров номли колхоз механизаторлари техникани экишга шай қилиб қўйишди. Суратда: колхознинг илғор механизатори С. Исмоилов.

Г. Кечкин фотоси.

СУВ МЎЛ БЎЛАДИ

Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг механизациялаштирилган кўчма колоннаси коллективи Нукус район хўжаликлари далаларини Амударё суви билан суғорадиган Каттагар насос станциясидаги олтита катта агрегатни муддатидан олдин ремонт қилиб берди. Гидромеханизаторлар Амударё этакларида жойлашган Бекеб, Найманбештан станциялари ва бошқа станцияларнинг сув кўтариб берадиган агрегатларини ҳам ишлашга батамом тайёр қилиб қўйдилар. Шу станцияларнинг ҳамма насослари далаларга секундига 200 кубметрга яқин сув чиқариб бера олади.

ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ДАМАШҚ, 26 февраль. (ТАСС). СССРнинг САРдаги элчиси Н. А. Муҳитдинов КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг бу ерда расмий дўстона визит билан меҳмон бўлиб турганлиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган қабул маросимида САР Бош министри Абдул Раҳман Халифавий, Араб социалистик уйғониш партияси умумараб ва регионал раҳбарлигининг аъзолари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

К. Т. Мазуров билан Абдул Раҳман Халифавий нутқ сўзладилар.

КХДР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КХДР ташқи ишлар министри Хо Дам бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси 26 февралда Москвадан Белградга жўнаб кетди. Делегация Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Москвада меҳмон бўлиб турган эди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ ХО ДАМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев расмий визит билан СССРга келган Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КХДР ташқи ишлар министри ўртоқ Хо Дамни 25 февралда қабул қилди.

Учрашув чоғида Корея ярим оролидаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олинди. Ўртоқ Хо Дам Жанубий Кореядан АҚШ қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва четдан ҳеч бир давлат аралашмаслик шартлари билан Кореяни демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштиришга эришиш тўғрисида КХДР илгари сурган программа тўғрисида ахборот берди.

Ўртоқ Хо Дам КХДРнинг Корея миллий бирлигини тиклаш ва Корея ярим оролидаги кескинликни йўқотишга қаратилган куч-ғайратларини қатъий ва изчил қўллаб-қувватлаб келаётганликлари учун Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети ва КХДР Ҳукумати номидан КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидладики, Совет Иттифоқи КХДРнинг Корея проблемасини одилона ҳал этиш учун, Жанубий Кореядан барча чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиш учун олиб бораётган курашини бундан буён ҳам ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлайверади. КХДРнинг янги амалий таклифлари, шу жумладан Кореянинг шимоли билан Жануби ўртасида сулҳ битими тузиш ва музокаралар ўтказиш тўғрисидаги таклифлари Совет Иттифоқида ғоятда тушуниб, маъқуллаб кутиб олинди. Бу таклифлар мамлакатни демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш ва Корея ярим оролидаги вазиятни нормаллаштириш учун янги ва катта имкониятлар очиб беради.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ҳамда ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар муҳонама қилинди.

Учрашувда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг КХДРдаги элчиси Н. Г. Судариков; Корея томонидан КХДРнинг СССРдаги элчиси Квон Хи Ген қатнашдилар.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ИШЧИ СИНФИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ

Ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет Ватанига садоқат, интернационализм руҳида тарбиялаш, жамиятимиз нормалари ва маънавий бойликларини актив пропаганда қилиш партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир. **«Ўзимизнинг сиёсий тажрибамизни, иқтисодий ва маданий қурилиш проблемаларини ҳал этиш тажрибасини янги авлодларга ўргатиш, ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга раҳбарлик қилиш, уларнинг ўз оталари ишини, улуғ Ленин ишини муносиб давом эттиришлари учун ҳамма чораларни кўриш — бизнинг бурчимиздир»,** деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига ҳисобот докладида.

Ёшлар тарбиясининг энг муҳим ва асосий формаларидан бири уларни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдир. Мамлакатимиз халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган минглаб корхоналарда ишлаб чиқарилган моддий бойликларда ёшларимизнинг самарали меҳнати, ғайрат-шижоати ва куч-қуввати ифодаланган. Оталарнинг революцион анъаналари руҳида тарбияланган совет ёшлари коммунистик жамият қурувчиларининг олдинги сафларида бормоқдалар. Уларни халқ хўжалиги қурилишининг барча масъулиятли участкалари — Чорвоқ гидроузели ва Сирдарё ГРЭСида ҳам, Қарши ва Шеробод чўлларини ўзлаштираётган оташқалб кишилар орасида ҳам, Олмалиқ, Навоий, Зарафшон ва бошқа шаҳарларда олиб борилаётган тўққизинчи беш йиллик зарбдор қурилишларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Ёшларнинг маҳоратини, уларнинг умумтаълим савиясини ошириш масалалари касаба союзлари фабрика-завод ва маҳаллий комитетлари ҳамда касаба союзлари советларининг ишида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Йирик саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларида ўқувчи ёшларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида жамоатчилик асосида ишлайдиган махсус бюро ташкил этилган, консультациялар уюштириб турилибди.

Ўқувчилар бригадаларига раҳбарлик қилиш учун уч мингдан ортиқ мутахассислар ва кўплаб техниклар ажратилган. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Самарқанддаги «Кинап», «Гелиос» заводлари, Навоий химия комбинати ва бошқа бир қатор корхоналар коллективлари мактабларнинг ўқувчилари билан мунтазам алоқа қилиб бормоқдалар. Ўқувчи ёшлар бу корхоналарда ишлаб чиқариш билан яқиндан танишадилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан тез-тез учрашиб турадилар. Мазкур корхоналарда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилмоқда.

Республикамиздаги корхона ва қурилишларда малакали ва тажрибали ишчилар ҳамда касаба союз активлари ёш ишчиларга доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Самарқанд станциясидаги тепловоз депосида 200 дан ортиқ йигит ва қиз меҳнат қилмоқда. Уларга ишлаб чиқаришга келган дастлабки кунлариданоқ тажрибали ишчилар бириктиб қўйилган. Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводида ёш ишчилар касб-ҳунар эгаллаганидан кейин ҳам уларга оталиқ қилиш давом эттирилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ёш ишчиларга касб-ҳунар ўргатиш ва уларни тарбиялаш айниқса яхши ташкил этилган. Бу ерда ҳар йили 200-250 йигит ва қиз касб эгалари бўлмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш мақсадида махсус тайёрлов курслари ташкил этилган. Бу курсларда 500-600 киши ўқийди. Ўқув-методик кенгаши йигит ва қизларнинг ишлаб чиқариш-техника ўқуви ҳамда уларни тарбиялаш ишларини бошқариб боради.

Ўзбекистон трактор йиғув заводида ишга кираётган ҳар бир ёш йигит ва қиз билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказилмоқда. Уларга «Ёш ишчига эсдалик» китобчаси топширилади. Ёшлар билан ишлаш учун махсус тарбиячи ажратилган, цехлар ва бўлимларда «Ўсмирларга маслаҳат»лар бурчаклари ташкил этилган.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Чирчиқ электр. химия комбинати, ўтга чидамли ва қийин эрувчи металлар комбинати ва бошқа кўпгина корхоналарда жамоатчилик асосида ишлайдиган кадрлар бўлими ташкил этилган. Корхоналарда меҳнат ветеранлари кенгашлари ёшлар тарбияси билан яқиндан шуғулланмоқда.

Тошкент асбобсозлик заводида ёшлар ўртасида меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турарди. Заводда 12 кишилик меҳнат ветеранлари кенгаши тузилгач, аҳвол ўзгарди. Кенгаш партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва завод маъмурияти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Кенгаш ишга келган ёш йигит ва қизлар билан суҳбатлар ўтказмоқда, уларга касб танлашда кўмаклашмоқда, ёшларнинг меҳнати ва ўқишини кузатиб бормоқда. Уларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиш, маслаҳатлар бериб бориш ҳам ана шу кенгаш зиммасига топширилган.

Ёш ишчиларга ҳунар ўрганишда ёрдамлашаётган, илғор иш методларини ўргатаётган, ишда, ўқишда ва ижтимоий ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлиш руҳида тарбиялаётган коллективларнинг иши ҳамиша мақтовга сазовордир. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация заводининг фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати А. Девятованинг ишлаб чиқаришга янги келган йигит ва қизларни тарбиялаш иши билан яқиндан шуғулланиш тўғрисидаги ташаббусининг республикамизда кенг қанот ёйгани сабаби ҳам ана шунда.

Ёш ишчиларни тарбиялашнинг яна бир муҳим формаларидан бири — уларни социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашга, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати, илмий-техника жамиятлари фаолиятига жалб қилишдир. Республикамиз корхоналарининг 17 мингдан ортиқ ёш ишчи ва хизматчиси Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти аъзосидир. Улар ўтган беш йилликда киритган 215 мингга яқин рационализаторлик таклифининг 100 мингтаси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 195 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинди.

Кейинги йилларда ишчи йигит ва қизларнинг билими жуда ўсди. Машинасозлик ва химия саноатида бу кўрсаткичлар айниқса юқори бўлди. 1980 йилга бориб, ёшларга умумий ўрта таълим беришга кўчиш тўла тугалланади. Ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида ёшларнинг автомат дастгоҳларни бошқариш ёки мураккаб технология жараёнларини бажариш учун зарур билим ва ҳунарни эгаллашларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари ёшларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида уларни коллективга, меҳнат билан яратилган маҳсулотга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда айниқса муҳим роль ўйнамоқдалар. Республикамиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, совхозларда касаба союзлари комиссияларининг 74 мингдан зиёд аъзолари ёшлар ўртасида маданий-оммавий ишларни олиб бормоқдалар. 8300 киши бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига раҳбарлик қилмоқда. 2 мингдан ортиқ киши клуб ва кутубхоналарда ишламоқда. Касаба союз ташкилотлари маданий-тарбиявий ишларни уюштириш воситалари — кўп сонли клублар, маданият уйлари ва саройлари, киноустановкалар, кутубхоналарга эга. Яхши жиҳозланган спорт базалари, стадионлар, бассейнлар, туристик ва соғломлаштириш базалари, пионер лагерлари ёшлар хизматида. Корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар ва совхозларда касаба союзлари ҳар йили маданий-тарбиявий ишларни ташкил этиш учун кўплаб маблағ ажратмоқдалар.

Навоий химия комбинати касаба союз завод комитетининг фаолияти диққатга сазовордир. Бу ерда ҳар ҳафтада бир марта ота-оналар радиолекторийси ўтказиб турилади. Цехларда тез-тез қизиқарли кечалар, оталиқдаги мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, викториналар уюштириб турилади, мактаб ўқувчилари ва ишчиларнинг бадиий ҳаваскорлари биргаликда чиқишлар уюштирмоқдалар. «Турист» ва «Светлячок» болалар клублари ишлаб турибди.

Бухоро ва Навоий шаҳарларидаги корхоналарнинг клубларида тўққизта пионер кинотеатрлари ташкил этилган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи оталиққа олган мактаб ўқувчилари бу корхонада ўтказиладиган ёшларни «Ишчилар синфига қабул қилиш» тантаналарида, «Энг яхши ёш слесарь» номини олиш учун мусобақа якунларида қатнашадилар. Ишлаб чиқариш ветеранлари ва корхонанинг энг тажрибали ишчилари, инженер-техник ходимлари ўқувчилар ҳузурига тез-тез бориб турадилар. Мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия ишлари ва ўқувчиларнинг касб танлашига завод коллективи катта ёрдам кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда маданий-оқартув ишлари ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилишларнинг ишчи-ёшлар ётоқхоналарига ҳам кўчирилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи ёшлари 16 та ётоқхонада истиқомат қилишади. Ана шу ётоқхоналарда лекторий ва кинолекторийлар, оғзаки журналлар ташкил этилган, тез-тез қизиқарли темаларда лекциялар ўқилади, кечалар ташкил этилмоқда. «Халқаро шарҳловчилар ёшлар даврасида» ва шунингдек савол-жавоб кечалари ўтказиб турилмоқда.

Ётоқхоналарда ёшлар билан ишлашнинг ташкил этилгани яхши натижалар бермоқда. Йигит ва қизлар жамоат ишларида фаол иштирок этаётирлар, меҳнат интизоми яхшиланди, прогул қилишлар камайди.

Ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, уларни тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларидан бу ишнинг форма ва методларини тобора такомиллаштириб боришни талаб қилади. Республика касаба союз ташкилотлари бу борадаги фаолиятларини тобора кучайтириб, ишчи синфининг ёш авлоди тарбиясига бундан буён ҳам катта эътибор бераверадилар.

Н. МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг секретари.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ТЮМЕНЬ

Ғарбий Сибирь конларида пландан ташқари 150 минг тонна нефть қазиб олинди. Беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларининг оширилиб бажарилишида Ленин номидаги «Нижневартовскнефть» ва «Юганскнефть» бошқармаларининг коллективлари катта ҳисса қўшдилар. Томск ва Тюмень областининг нефтчилари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, йиллик пландан ташқари бир ярим миллион тонна суюқ ёқилғи олишга қарор бердилар.

МАКЕЕВКА

1935 йилда Киров номидаги Макеевка металлургия заводида қурилган биринчи совет аглофабрикасида ишлаб чиқарилган юз миллионинчи тонна агломерат домна печларига жўнатилди. Ҳозир Донбассдаги барча йирик корхоналар металлургия хом ашёсининг сифатини яхшилайдиган шундай маҳсулотга эгадирлар.

ТУЛА

Туладаги тажриба-экспериментал заводида қурилиши тамомланган қудратли «ПШ-4» продка комплексининг унумдорлиги бир кеча-кундузда узунасига ўн саккиз метр тоннелни қазий олади. «ПШ-4» комплекси ер остидан ўтгач, диаметри тўрт метрга яқин айлана шаклидаги тайёр тоннель ҳосил бўлади. Биринчи комплексни янги кўп километрли Боку водопроводи қурилишида ишлатиш учун Озарбайжонга жўнатиш мўлжаллаб қўйилди.

ТКВАРЧЕЛИ

Грузия ССРда йирик доломит кони қурилиши бошланди. Кон 1974 йилда саноат маҳсулоти бера бошлайди. Кон йилига 430 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

ТАСС мухбирлари.

ЛЕНИН МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДАГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1972 йилда Ленин мукофотларини олиш конкурсида қатнашиш учун қуйидаги номзодлар тақдим этилганлигини маълум қилади:

1. Архипова И. К. 1969—1970 йиллар концерт программалари.

Союзконцерт, СССР Давлат Академик Бэльшой театри тақдим этган.

2. Барто А. Л. «Қишки ўрмон гуллари» шеърлар китоби.

РСФСР Ёзувчилар союзи, «Детская литература» нашриёти, «Детская литература» журнали редколлегияси («Болаларга аталган адабиёт ва санъат асарлари учун» мукофотига) тақдим этган.

3. Бердзенишвили М. И. Каспи шаҳридаги Георгий Сакадзе ҳайкали.

Грузия Рассомлар союзи, Грузия Компартияси Каспи район комитети ва Каспи район ижроия комитети тақдим этган.

4. Кабалевский Д. Б. «Кола Брюньон» операси (янги таҳрирда).

СССР Композиторлар союзи, Кунгур шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими тақдим этган.

5. Мезенцев Б. С. — архитектор, иш раҳбари, **Константинов М. П., Исакович Г. Г.** — архитекторлар, **Фабрикант Л. Б.** —бош қурувчи, **Мекрюков И. А.** — инженер, **Рогашов И. С.** — инженер, **Молчанов В. Н.** — ишни бажарувчи, қурувчилар. Ульяновск шаҳридаги **Ленин ёдгорлиги.**

СССР Госстройи ҳузуридаги Граждан қурилиши ва архитектура давлат комитети, КПСС Ульяновск область комитети ва Ульяновск область ижроия комитети, СССР Архитекторлар союзининг Москва ташкилоти тақдим этган.

6. Мележ И. П. «Ботқоқликдаги кишилар», «Момақалдироқ нафаси» роман-дилогия.

Белоруссия Ёзувчилар союзи тақдим этган.

7. Озеров Ю. Н. — режиссёр ва сценарий автори, **Бондарев Ю. В., Курганов О. И.** — сценарий авторлари, **Слабневич И. М.** — оператор, **Мягков А. В.** — рассом. **«Халоскорлик»** киноэпопеяси («Ўтли ёй», «Ёриб ўтиш», «Асосий зарба», «Берлин учун жанг», «Сўнгги штурм» фильмлари).

СССР Кинематографчилар союзи, маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети, «Мосфильм» киностудияси, РСФСР Ёзувчилар союзи тақдим этган.

8. Светланов Е. Ф. 1969—1971 йиллар концерт программалари.

Москва Давлат филармонияси, Омск Давлат филармонияси, Омскдаги нефтни қайта ишлаш комбинати тақдим этган.

9. Томский Н. В. Берлин шаҳридаги **В. И. Ленин ҳайкали.**

СССР Рассомлар союзи, СССР Бадиий академияси, РСФСР Маданият министрлиги тақдим этган.

10. Шагинян М. С. В. И. Ленин тўғрисида тетралогия: **«Ўғилнинг туғилиши»** («Ульяновлар оиласи»), **«Биринчи Бутунроссия...», «Тарих дарсидан билет», «Ленин ҳузурида тўрт сабоқ».**

«Художественная литература» нашриёти, «Молодая гвардия» нашриёти тақдим этган.

Ленин мукофотларини олиш учун тақдим этилган асарлар билан батафсил танишиб чиқиш мақсадида СССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети радио ва телевизион марказлар орқали бир туркум эшиттиришларни уюштиради, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети эса мамлакат шаҳарларида фильмлар кўрсатишни ташкил қилади.

Совет жамоатчилиги ва матбуот органларининг тақдим этилган ана шу асарларни актив муҳокама қилишлари Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетига катта ёрдам беради. Комитет ижодий ва жамоат ташкилотларига, маданият муассасаларига, илмий тадқиқот институтларига, шунингдек газеталарнинг редакцияларига мурожаат қилиб, конкурсда қатнашиш учун қолдирилган асарларни шу йил 20 мартгача муҳокама этишни уюштиришни илтимос қилади.

Номзодлар тўғрисидаги мулоҳазалар, жамоатчилик муҳокамасига доир материаллар қуйидаги адрес билан комитетга юборилсин: **Москва, Марказ, ГСП-4, Неглинная кўча, 15-уй.**

СОВЕТ—СУРИЯ БИТИМИ

ДАМАШҚ, 26 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда Совет Иттифоқининг Сурия Араб Республикасига иқтисодий ва техника ёрдами бериши тўғрисида Сурия Араб Республикаси ҳукумати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ўртасида тузилган битим имзоланди.

Битимни совет томонидан бу ерда расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров имзолади.

Битимни Сурия томонидан Сурия Араб Республикаси бош министри Абдул Раҳмон Халифавий имзолади.

Абдул Раҳмон Халифавий битимни имзолаш маросимида сўзлаган нутқида бу ҳужжат ҳар иккала мамлакат ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида янги қадам бўлади, деди. Бизнинг халқимиз, деди у, СССР билан дўстлик муносабатларини ғоят қадрлайди ва принципиал негизга таянган бу дўстликни вақтинчалик бир омил деб ҳисобламайди.

К. Т. Мазуров айтдики, музокаралар вақтида Сурия Араб Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чоралари ҳам, Совет Иттифоқи иштирокида объектларни муваффақиятли суратда қуриш тадбирлари ҳал, шунингдек келгусига мўлжалланган планлар ҳам қараб чиқилди.

Биз, деди К. Т. Мазуров, имзоланган битимни СССР билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги ифодаси деб ҳисоблаймиз ва бизнинг дўстлигимиз самимий дўстлик бўлиб, империализмга қарши, тинчлик ва барча халқларнинг социал тараққиёти учун курашга қаратилган, деб тўла асос билан айта оламиз.

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА



ГИГАНТНИНГ ТУҒИЛИШИ

◆ ЖАҲОНДА ЭНГ ЙИРИК, МАМЛАКАТДА ЯГОНА ЯНГИ КОРХОНА
◆ КОРХОНАНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ҲАР ЙИЛИ 120 МИНГ ТОННА ОЛТИНГУГУРТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ
◆ ҚУРИЛИШДА БУТУН МАМЛАКАТ ҚАТНАШМОҚДА.

Ўлкамиз бойликлари беҳисоб. Унинг саховати чексиз ва бекиёсдир. Булар улуғ мақсад сари интилаётган совет кишиларининг азму қарори билан эл хизматига бел боғламоқда.

Мана, биргина Қашқадарё харитасига кўз ташланг-а. Қанчадан-қанча бойликлар яралмоқда бу кенгликларда. Қарши даштининг ўзида йирик-йирик заводлар, фабрикалар бунёд этилмоқда. Янгидан-янги хўжаликлар вужудга келмоқда.

...Яқинда бу ерда Муборак газ олтингугурти заводининг биринчи навбати муваффақиятли равишда фойдаланишга топширилди!

Бундан уч йил муқаддам Муборак посёлкаси яқинида, бўмбўш дашт бағрида қурилиш ишлари бошланган эди. Бўлажак гигант корхонанинг пойдевори учун қазилган чуқурликлар, қурувчиларнинг дастлабки палаткалари ҳувиллаб ётган дашт бағридаги дастлабки бунёдкорлик ишлари бўлди.

Муборак газ олтингугурти заводи жаҳонда энг йирик, мамлакатимизда ягона бўлиши керак эди. Завод қурилишини «Бухарагазпромстрой» трестининг олтинчи қурилиш бошқармаси ўз зиммасига олди.

Гигант корхонанинг биринчи навбатини ишга тушириш учун 28 миллион сўм ажратилди. Қурилиш эса уч йил ичида битказилиши лозим эди. Шундай ҳам бўлди. Ўтган йили қурувчилар ўз ваъдаларига вафо қилиб, заводнинг биринчи навбати битди, деб рапорт беришди. Бу ерда турли-туман установкалар, аппаратлар, мураккаб приборлар ва механизмлар ишга тўла тайёрланди ва газ тозаловчи бир неча цехда ишлар бошланиб кетди.

Заводнинг ҳар бир цехи, участкаси ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Чунки бундай йирик, нодир корхона Совет Иттифоқида биринчи бор бунёд этилмоқда эди. Чунончи газни узоқ масофага жўнатувчи цехдаги паст ҳароратдаги сепарат установкаларини ўрнатишдан тортиб, у ердаги энг кичик деталларни жойлаштиришгача бўлган ишларнинг ҳаммаси юксак дид ва фаросатни ҳамда юқори техника билимини талаб қилар эди. Ана шундай одамлар қурилишга келишган эди. Бу соҳада операторлардан А. Анпилогов, И. Савчук, И. Подопригора, В. Латишев ва бошқа жуда кўп жонкуяр кишилар қанчадан-қанча қийинчиликларга бардош бердилар, мураккаб асбоб-ускуналарни ўрнатишда, уларни ҳаракатга келтиришда тинимсиз ишладилар.

— Уч йил тарих учун жуда қисқа вақт. Лекин мана шу даврда ана шундай ишлар бунёд этилганига баъзан ишонмайсан, — дейди завод қурилишининг фаол иштирокчиси Юсуф Абдуллаев.

Юсуф Абдуллаев айтганидек, бундай азимкор ишларнинг уч йил ичида бажарилиши якка-ёлғизликда хом хаёл бир нарса эди. Лекин чўл қуваётган, унинг бойликларини очаётган азаматларга бутун мамлакат, бутун республика кўмак берди. Чунончи, ана шу гигант корхонани қуриш учун Советлар диёрининг деярли ҳамма еридан мадад ва ёрдам келди. Завод қурилиши ишларини олиб бораётган олтинчи қурилиш бошқармасининг адресига одамлардан тортиб кучли техникагача, ускуна ва механизмгача бетўхтов келиб турди. Москвадан, унинг атрофидаги шаҳарлардан, Тошкент ва Фарғонадан, Уфа ва Қозондан, Новочеркасск ва Деновдан, Урал ва Кавказдан келган пудратчи ташкилотлар қурилишни ўз вақтида поёнига етказиш учун астойдил меҳнат қилишди.

— Завод қурилиши ҳақидаги хабарни эшитдик-у, дарҳол шу ерга отландик, — дейди Краснопольскдан келган ёш оилалардан бири Нина Козенкова билан Саша Козенковлар.

Саша армия хизматида ҳам қурилишда ишлади. У ерда бу касбнинг ўзига хос қийинчиликларини бошидан кечирди, малака тўплади ва ана шу касбга бўлган меҳри ошди. У йирик корхоналар бунёд этишда қатнашди. Бугун эса у ўз рафиқаси Нина Козенкова билан бирга ана шу корхонани барпо этишда иштирок этмоқда.

Бундай кишилар бошқармада кўплаб топилади. Булар қурилиш бошланганидан то шу кунгача бир мақсад йўлида кураш олиб бормоқдалар. Пойдевор қўйишдан, дастлабки ғишт қўйишдан, палаткаларда яшаб ҳузур-ҳаловатни тарк этиб, улкан гигант цехларининг корпусларини тиклашдан тортиб, дастлабки маҳсулот олингунга қадар бўлган кураш жабҳаларида мардлик ва матонат кўрсатдилар. Ана шу яратувчилик меҳнати жараёнида уларда чинакам совет кишисининг олийжаноб, курашчан меҳнатсеварлик характери яна бир бор шаклланди.

Чўл забткорларининг меҳнати зое кетмайди. Уларнинг ана шу бунёдкорлик ишлари учун фақат ҳозирги авлод эмас, балки келажакда Қарши дашти бағрида даври даврон сурадиган, унинг саховатларидан баҳраманд бўладиган бўлғуси авлод албатта ташаккур айтади, уларнинг номини ардоқлаб тилга олади.

Қурилишда ҳозир ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилаётганлар оз эмас. Улар бу ерга келишганда тап-тақир чўлдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Юсуф Абдуллаев, Валерий Кондрачук, Солиҳ Қурбонов, Фёдор Белих, Евгений Ляпкин, Озод Жумаев, Мунир Хабибулин, Виктор Шарипов ва бошқалар шу кунгача ўз шижоаткор меҳнатлари билан қурувчилар орасида катта обрў ва ҳурмат топдилар.

Муборак газ олтингугурти заводининг биринчи навбатини ишга тушириш учун озмунча ишлар қилинмади. 300 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди. Чунки завод жуда катта территорияни ишғол этди. Бу территория ҳатто 60 гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. Бетончиларнинг ўзлари қанчадан-қанча иш бажаришди. 20 минг кубметр ҳажмда бетон ишлари бажарилди, 10 минг кубметр ҳажмда йиғма темир-бетон пайвандланди, 3 минг тонна металл конструкциялари сарф қилинди, цехлар оралиғида ва уларнинг ичкарисида 100 километрдан ортиқ трубопроводлар ўрнатилди ва шунга ўхшаш бошқа зарур ишлар амалга оширилди.

— Дастлабки ғалаба қўлга киритилди, — дейди қурилиш участкасининг бошлиғи Анатолий Иванович Игначенко. — Ҳозирнинг ўзида ўндан ортиқ цех қурилди, улар бекаму-кўст фойдаланишга топширилди.

Қурилиш бошлиғи тилга олган цехлар орасида газ тозалаш ва уни жўнатиш цехи, олтингугурт тозалаш, экспериментал, буғ-сув таъминоти цехлари ва бошқа цехлар шу кунларда тўла қувват билан ишлашга ўтди.

Муборак газ олтингугурти заводининг биринчи навбатининг ўзи ҳар йили халқ хўжалиги учун 120 минг тонна соф олтингугурт етказиб бериши керак.

Ҳозирги кунда заводдаги ўнта цехда тўрт хил газ тозалаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги шундан ҳам кўриниб турибди, — дейди цех бошлиқларидан бири Михаил Доронин.

Қарши дашти қурилишларининг ҳавозалари сонсиз-саноқсиз. Улар орасида Муборак газ олтингугурти заводи алоҳида ўрин тутади. Унинг дастлабки навбати меҳнат камарини белга маҳкам боғлаб эл-юрт хизматига киришди. Бундан уч йил аввал хаёлда гавдаланган, турли-туман лойиҳаларда акс этган гигант корхона амалда барпо этилди, кишиларнинг кўз ўнгида юксалди.

Я. ТОЛИПОВ.

Суратларда: Муборак газ олтингугурти заводининг операторларидан А. Анпилогов, И. Савчук, И. Подопригора, В. Латишев ўртоқлар ва олтингугурт тозалаш цехи тасвирланган.

Р. ҲАМИДОВ фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Андижондаги бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси Марҳобо Абдувалиевани ўз касбининг устаси дейишади. Коммунистик меҳнат зарбдори М. Абдувалиева чиндан ҳам топшириқни 120-125 процентдан бажариш билан бирга ўзи тайёрлаётган маҳсулотларнинг ғоятда сифатли бўлишига катта эътибор беради.
Суратда: М. Абдувалиева.

Г. Кечкин фотоси.

ЙИРИК ПАНЕЛЛИ УЙЛАР

ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ КВАРТИРАЛАРИ

Оҳангарон қурувчилари янги конструкциядаги дастлабки уйларга пойдевор қўйишди. Бултурнинг охирларида фойдаланишга топширилган уйсозлик комбинатининг конвейеридан шу уйлар учун панеллар туширилмоқда. Ўзбекистонда уй-жой қурилишини ривожлантиришдаги муҳим босқич: янги сериядаги йиғма уйларни оммавий равишда жорий этиш шу тахлитда бошланди. Республикада йирик панелли уйсозлик бошланганидан бери бу иш биринчи марта қилинаётир.

Оҳангарон кетидан Гулистон ва Термизда қурилаётган уйсозлик комбинатлари, шунингдек, Фарғона уйсозлик комбинатининг иккинчи навбати янги уйлар ишлаб чиқаришга киришади.

Экспериментал-лойиҳалаш Тошкент зонал илмий-тадқиқот институтларининг архитекторлари 76/69 сериядаги уй яратдилар. Тўққизинчи беш йиллик хонадонлари қандай квартираларда яшашини билиш учун лойиҳа билан танишамиз.

Янги панел уйларда уч хонали ва тўрт хонали квартиралар сони жуда кўпаяди, беш хонали квартиралар ҳам пайдо бўлди. Бинобарин, катта оилалар қўшимча қулайликларга эга бўлади. Ўзбекистонда эса бундай оилалар кўп.

Квартираларнинг шипи яна ярим метр кўтарилган. Девор панелларининг товушни тўсиш кобилияти анча кучайтирилган. Янги уйларда коридор ва ошхона саҳни анча катталаштирилган, қазмоқ ҳам бор (девор орасига олиб ишланган шкафлар ҳам сақлаб қолинган). Санузеллар ҳам квартираларда алоҳида эшиклик қилиб ишланган. Айвонларнинг саҳни қарийб икки баравар катталаштирилган. Катта квартираларда эса айвондан ташқари балконлар ҳам бор.

Янги уйлар ишлаб чиқариш уйсозлик комбинатларини лойиҳалашда ҳам янгиликлар киритилишини тақозо қилди. Квартиранинг шипи баланд экан — девор панели ҳам баланд бўлиши керак. Пролёт тайёрловчи цех шипи ҳам баланд бўлиши лозим. Товуш тўсишни яхшилаш учун панел ва плиталарнинг вазни оғирлашуви лозим. Шунинг учун цехлардаги кўтаргич кранларнинг юк кўтариш қобилиятини оширишга, пролёт колонналарини кучайтиришга тўғри келди. Қурилиш майдонларида тайёр уйлар йиғилиши учун ҳам анча кучли кранлар талаб этилади. Ўзбекистон Қурилиш министрлигининг корхоналари эса панел қолипловчи янги ускуналар, янги кассеталар бериши керак.

Хўш, ишлаб турган комбинатлар нима бўлади? Наҳотки улар хонадонларнинг ошган талабларига мос келолмай қолган ўша эски уйларни ишлаб чиқараверса? Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги техника бошқармасининг бошлиғи Е. С. Темкин бу хусусда мана бу гапларни айтди:

Мавжуд саккизта уйсозлик корхонаси шу йил оралиқ серияда деб аталувчи сериядаги уйларни ишлаб чиқаришга ўтади. Аммо квартиралар шипининг баландлиги ҳозирча аввалгидек қолаверади. Аммо бошқа параметрлари яхшиланади.

Оралиқ сериядаги уйлар лойиҳасини институт республика Қурилиш министрлигининг инженерлари билан ҳамкорликда тайёрлади. Лойиҳа ўша панелларнинг ўзидан ички плани мутлақо янгича уйлар қурилишини кўзда тутади. Кўп хонали квартиралар ҳам анча кўпайтирилган. Айвон-балконлар ҳамда панжара ортига олинган кир қуритадиган махсус хоналар пайдо бўлди. Ёрдамчи хоналар анча кенгайтирилди. Бухоро, Самарқанд, Нукус, Урганч, Қарши, Наманган, Андижон, Фарғона комбинатлари мана шу оралиқ сериядаги уйларни ишлаб чиқаради.

Ю. КРУЖИЛИН.
(ЎзТАГ мухбири).

АХБОРОТ

МОСКВАДАН ХАТ

ГАПИРУВЧИ ХАРИТА

Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида катта экспозиция тайёрланмоқда. СССР халқлари дўстлиги, қардош республикалар фан ва маданиятининг равнақ топиши — экспозициянинг бош мавзуи.

Кўргазманинг марказий павильонида «Тенг ҳуқуқли республикалар бузилмас иттифоқи» деган экспозиция тайёрлашга киришилди. Унда СССРнинг ташкил топиш тарихи, В. И. Ленин ва Коммунистлар партиясининг кўп миллатли Совет давлатини вужудга келтиришдаги роли, совет халқининг янги беш йилликда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Марказий павильон залида 200 квадрат метр жойни эгаллаган СССР харитаси мавжуд. Буни москваликлар гапирувчи харита дейишлари бежиз эмас. Турли рангдаги электр лампочкалар харитада революциягача бўлган Россиянинг Европа қисмидаги саноат корхоналари, иттифоқдош республикалар саноатининг ривожланишини ўзича талқин этади. Харитада Ўзбекистоннинг ютуқларини кўрсатадиган лампочкалар ҳам бор. Бу йил кўргазмада 750 экспозиция намойиш этилиб, шулардан бири Ўзбекистоннинг «Ҳазорбоғ» пахтачилик совхозига бағишланади.

«СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ГРАЖДАНИМАН»

Фильмлари учун бир қанча халқаро совринлар олишга муяссар бўлган москвалик драматург Яков Варшавский, режиссер Александр Штейн ва Петр Мостовойлар «Совет Иттифоқининг гражданиман» фильмини яратдилар. Янги фильм СССРнинг 50 йиллигига бағишланади. Фильм совет халқларининг дўстлигини акс эттиради. Революцион курашлар жараёнида туғилган халқлар дўстлиги, Совет ҳокимиятининг барпо этилиши кино кадрларда бирма-бир намоён бўлади. Томошабинлар экономика ва маданиятни юксалтиришда совет республикаларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида ёрқин таассурот оладилар.

Л. ШИМКЕВИЧ.

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Москвада Совет Иттифоқи халқларининг музиқа маданияти кўргазмаси очилди. Кўргазманинг «Ўзбекистон ССР» бўлимида томошабинлар ўзбек миллий музика асбоблари ҳақида, шунингдек, фольклор асарларини тўплаш, оммалаштириш соҳасида республикада олиб борилаётган ижодий ишлар тўғрисидаги қизиқарли материаллар билан танишмоқдалар.

С. КОСТИРКО.

ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯСИ

Ватанимиз пойтахти Москвадаги Совет Армияси марказий уйи залларида совет халқининг Улуғ Ватан уруши давридаги қаҳрамонлигини тасвирловчи амалий санъат асарларидан намуналар қўйилган. Уларда Ленинград ва Сталинград мудофааси, Москва остоналарида немис-фашистларнинг тор-мор қилиниши, Берлининнг олиниши маҳорат билан тасвир этилган. Стенддаги асарлардан кўпчилиги партизанлар мардлиги, ғалабамизда ишчи ва колхозчиларнинг жасоратли меҳнати ҳақида маълумот беради. Шавкатли армиямизнинг шонли йўли ҳақида кўргазма экспонатлари томошабинларда бой таассурот қолдирди.

Э. БРОЙТМАН.

БУРГУТ

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Булутдай қанотларини ёзиб, лопиллаб бургут кўтарилди. У тобора тикка интилар, кўз олдимда кичрайиб бораётгандай бўлар, бир дамда осмон тўшида ловуллаб турган қуёшнинг нақ ёнгинасига етиб қолгандай эди...

* * *

Суҳбатдошим қўққисдан гапини бургутдан бошлади:

— Бизнинг раисни кўрганмисиз?

— Йўқ, биринчи келишим!

— Бургут, мисоли бургут у!

«Бургут» сўзини эшитиб, беҳосдан осмонга бир қараб олдим. Суҳбатдошим бунинг маъносига тушунмай илжайди:

— Колхозга янги келган кезларим эди. «Агроном бор, сен бригадир бўласан» деди раис. Раиснинг гапи гап экан. Хўп дедим. Ашқол-дашқолни ортиб чиқай деб Қўқон тушаётган эдим. Энди тонг оқариб келар, йўлда ҳеч зоғ йўқ эди. Нари юрсам, баҳайбат қумтепалик устида бир одам қуёш чиқар томонга бургут қараш қилиб турибди. Олисданоқ танидим. Ўзимизнинг Мирзааҳмад ака экан. Яқин бориб салом бердим. Саломимдан қушдай чўчиб мен томонга ярқ этиб қаради-да, вазмин юриб келди. Офтобда қорайиб кетган бужур қўлларини узатиб саломимга алик олди.

— Йўл бўлсин саҳарлаб? — деди у бургутникидай ўткир кўзларини тикар экан.

— Қўқон тушиб чиқмоқчийдим, — дедим хотиржам. У мени энди кўраётгандай диққат билан тикилди.

— Оқшом тушиб, саҳар қайтган яхши эмасмиди? — деб қолди юмшоқ жилмаяр экан.

—Кўчиб чиқиб қўя қолмай девдим, — хотиржам бўлишга тиришиб жавоб бердим.

— Ҳай, майли. Аммо-лекин деҳқон одам бу кунларнинг шайдоси бўлса эди. Пахта пишяпти пахта!

Оббо, бўлмади-ёв! — дедим ичимда, сўнг муллаваччалардек қўл қовуштириб Мирзааҳмад акага илтижо қилиб туравердим.

«Ҳай», деб қўйди у қўлларини ёнга тушириб ва тўмтоқ тут остида турган «газик»ка қараб юрди. Ҳурматига мен ҳам ортидан бордим. Лип этиб машинага ўтирди-ю моторни юргизди. Машинанинг тириллаган шовқинида:

— Ўтир, бригадангга бораман! — деди.

Ноилож ўтирдим. Машина йўлда бир текис учиб борар экан, раиснинг мени йўлдан қайтаргани, устига устак «ўтир» деб сансирагани нашъа қилди. «Қаттиққўлроқ экан», деб ўзимда ноxушлик сездим...

...Кейин уни тушуниб кетдим... Мана саккиз йил бўлди. Мирзааҳмад ака хўжаликка бош. Бу одам асли қўшни қишлоқдан. Бу колхозга раис бўлиб сайлангандан бери интизом мустаҳкамланди. Шаҳарга яқин эмасмизми, лип-лип этиб тушиб, коримизни битириб турар эдик. Ҳозир қаёқда. «Тўй қилмоқчиман, аёллар кўрпа-ёстиқ қоплар эмиш!» десангиз «Бу йил неча киши тўй қилади, рўйхатини берсин», — дейди. Тўйга ҳам рўйхатни деб, ноилож тайёрлаб берамиз. Бир маҳал қарабсизки, колхозга газлама сотадиган «машина-дўкон» ғир этиб кириб келади. Театрга борадиган бўлсак ҳам... аввал келишишимиз шарт. Машина беради-да: «Бригадада бўлиб тушинглар!» деб график туздиради. Ўзи ҳам идорадан атиги икки юз қадам нарида турса ҳам, айниқса пахта терим палласида куни билан тиним билмай, келиб шунда ўтириб олади. Бизни ҳам даладан бери келтирмайди. Ҳар бригадага дала шийпонида меҳмонхона қурдирган. Ошхона, овқат... ҳаммаси далада. «Пахта даладами, ҳамма далада: пахта қолмаса, далада одам ҳам қолмайди», деб туриб олади. Мирзааҳмад акани қишлоқ аҳли дастлаб нохушроқ кўриб юрди. «Хоҳлаган ишлайди!» деб тисарилганлар ҳам бўлди. Аммо лекин Мирзааҳмад ака бунақа гапларга ён бермади. «Колхоз дегани кўнгилли уюшган коллектив, унга уюшдингми, бирга, баробар ишлайсан, вассалом», деди қатъий қилиб.

Бу унинг гап битта дегани эди. Шунга қарамай, шаҳарда ишлаб, далада кун кўрадиганлар ҳам йўқ эмасди. Улар билан бир эмас, бир неча чақириб гаплашди. Гаплари қовушмади шекилли, колхознинг умумий мажлисини чақириб, ўшандақаларнинг баҳридан ўтиб юборди.

Биласиз, Қўқон томонларнинг шамоли ўзгача бўлди. Бир жинни тутса, унча-бунча дарахтни илдиз-пилдизи билан юлиб олиб одамга отишдан ҳам тоймайди. Раиснинг ҳам феъли айниса Қўқон шамолининг ўзи бўлади-қўяди.

Бир йили мен ҳам ёшлигимга бориб: «Ерлар яхлит-яхлит картага айлантирилсин. Трактор ва пахта териш машинаси бемалол айланиб юрадиган бўлсин!» деган ташаббусга қўшилиб қолдимку. Кўринишдан яхши фикр эди. Мен қаттиқ туриб олдим.

— Бу яхши гап. Аммо бизнинг Қўқон тарафлар учун эмас! — деди бошини қашиб раис.

— Нега бизга бўлмас экан! — савол назари билан тикилдим унинг юмуқ кўзларига.

— Негаки... — ўйланиб қолди Мирзааҳмад ака, кейин ерга энгашиб бир сиқим тупроқ олиб кафтлари орасида золдир қилиб айлантирди. Негаки... — дея такрорлади яна ва бирдан энг азиз нарсасини кўчада унутиб қолдирган одамдай безовта типирчилаб қолди. Зовурдан сакраб «газик»ка қараб юрар экан:

— Негаки, ғўза бўйига етганда шамол туриб ҳаммасини юлиб кетади. Мен бунга юрмайман, гап битта!

Гап-ку битта бўлди. Лекин Мирзааҳмад акани уёққа сур, буёққа сур қилишиб тинч қўймадик. «Янгиликни бўғяпти» ҳам дедик. У ҳам оёғини тираб айтганида туриб олди.

— Сенларга мен дош бераман. Аммо Қўқон шамолига ғўзам дош бермайди. Мени қулатасан. кейин ер атрофини гардиш қилиб ўраган тутни қулатасан, — деди қатъий қилиб у.

Қулаттирмади.

Ёндаги қўшни колхоз бу янги ташаббусга осонликча ён бериб, қатор-қатор тутини бульдозерга сурдириб, гурс-гурс қулатди. Натижада текис, катта яхлит карталар — пахта майдонлари пайдо бўлди. Мирзааҳмад ака ўша колхозга ҳам бориб, «Хомлик қиляпсан» деб бургутдек чанг солишиб келди. Бўлмади. Улар билганларини қилишаверди. Натижа ёмон бўлди. Баҳорда ўша колхоз пиллага барг тополмай, биринчидан, қийналиб, ипак қуртини ўлдириб қўйди. Иккиламчи: ёзда Қўқон шамоли ёмон ружу қилди. Бели бақувват деҳқондай шамолга кўксини тутиб, унинг шаштини қайтарадиган тутлар йўқ эди. Ғўзаси авжи гулга кирганда ўқ теккан калхатдай илдиз-пилдизи билан осмонда шап-шап ерга тушаверди. Колхоз бир йилдаёқ ўзини олдириб қўйди.

Шу-шу бўлиб, Мирзааҳмад аканинг тутга бўлган меҳрига минг меҳр қўшилди.

— Биттасини ҳам қулатмайман! — деб тут қаторларидан айланиб-ўргиладиган бўлди.

Қишга кириб, пахтадан энди бўшай деганимизда тут кўчат эктирадиган одат чиқарди. Ҳатто ҳар бир мактаб ўқувчиси ўн тупдан тут ўтказсин, деб топширди. Ўтказдик.

Биласиз, биз томонда ер камчил, бори ҳам ўзлаштириб бўлинган. Шунинг учун икки гектарча ерни босиб ётган кўчар қум тепалигига ҳужум бошладик. У тепаликларнинг одати қизиқ, гоҳ иккита тепаликка айланади, гоҳ битта тепаликка бирлашади. Гоҳ катта кўчанинг у бўйида, гоҳ бу бўйида уюлади.

Раиснинг кўзига у бало бўлиб кўриниб қолди. Дам олиш куни ҳашар эълон қилди.

Қирқ тўртта машинанинг ҳаммасини сафарбар қилиб, қум тепаликни янги қурилаётган посёлканинг кўчасига, спорт майдонига, йўлакларига, мактаб ҳовлиси, борингки, боғча болаларининг ўйин майдонигача тўктирдик. Катта йўлга тўкамиз деб бир тепаликни вақтинча қолдирдик. Шу кунларда уни ҳам катта йўлга тўктириб, устидан асфальт ётқизиб юборяпмиз.

Қумтепада ҳам жон борми дейман, раисга ўчакишгандай яна аста йиғиляпти.

— Яна йиғиляптику, раис, — десак:

— Бу супрақоқтиси — дейди, — Баъзиларингга ўхшаб, иш қизиғида дайдиб Қўқонга тушганлари қайтиб чиқяпти.

«Энди ўрнини тутзор қиламиз», Мана бу этаги кўриниб турган тутзорга қўшиб юборармишмиз. «Кейин тут баргини ҳам қўшни колхозларга экспорт қиламиз», дейди. Ўйлагани даромад манбаини киритиш... Ҳов анави олмазорни кўраяпсизми? Ўшани уч йил бурун кўрганингизда ҳайрон қолардингиз. Исириқ билан янтоқ бир-бирига чирмашиб ўсарди. Эски қабристон эди. «Боболар ҳокини жазирамада куйдириб қўямизми?» деган эди, қарияларнинг ўзи кетмон кўтариб қолди. Олма, анор, ток экилди. Ҳозир эллик олти хил мева бор. Дастурхонимизни тўкин қилди-қўйди. Пахтани механизмга топшириб, пахтадан бўшаган колхозчиларни мева ва сабзавотга қўйяпмиз.

Пахтанинг келажаги чакки эмас, энди нарироқ бориб: «пахтакор» номи ёнига: «механизатор» унвони ҳам қўшилиб қолди. «Пахтакор — механизатор», деб чақира турган бўляпмиз. Ота-боболаримиз бу кунги деҳқонни кўрса ҳайратдан ёқасини ушларди...

Биз чорроқ, шалдираб оқиб ётган лойқа сой устига қурилган сўри устида кўк чой кайфини суриб, колхоз ҳақида партком билан суҳбатлашиб ўтирардик. Бир вақт суҳбатдошим:

— Ана, ўзлари келяптилар! — дея имо қилди тўғрига.

Кўчага қарадим. Девқомат, қорачадан келган, қотма, бироз кўзлари қисиқроқ, ўрта ёшлардаги раис салобат билан қадам ташлаб биз томонга келарди.

Сўридан тушиб, қўл олишиб сўрашдик. Танишиб олдик.

— Қўқон-Фарғона йўлидан кўп ўтганмисиз? — сўради раис.

— Ўтиб тураман, нима эди? — сўрадим раиснинг фикрига қизиқиб.

— Ҳар ўтганда фикрингизга нималар келади?

— Икки ёндаги яшилликдан кўзим қувонади!

— Бу-ку яхши. Аммо деҳқон эмассиз-да. Шаҳарликлар завқланишади-ю, ҳисобини олишмайди. Агар изми менда бўлса шу йўлнинг икки ёнига кета-кетгунча тут кўчат ўтказардим. Бир ёз суғориб турилса бас, кейин тут ўзини тутиб олади. Тут дегани айни одми деҳқони дарахт. Чайир, чидамли. Ана, кейин мавжини кўрсангиз. Шунда пиллани пахтадек кўп берса бўлади. Эл шойи-атласга тўкин бўлади.

— Атлас ҳархашасини қиладиган қизчалардан борми дейман-а — дедим ҳазиломуз.

Мирзааҳмад ака аввалига қизариб кетди. Бир дам сукут қилди. Кейин пешанасини шу йўллардек теп-текис ажин босди. Аввалига оғзининг таноби қочиб, кейин чеҳраси ёришди-да:

— Атиги тўққизта бор, — деб қўйди.

Мен ҳамма болаларини қўшиб айтаяпти шекилли деб, сўрадим:

— Қизчаларидан нечта?

— Аввалги бешови қиз, — деди ва ялт этиб менга қараб олиб бепарволик билан қўшиб қўйди:

— Кейинги тўрти ҳам.

Ўзимни «вой бў»деган ҳайратдан тутиб, хандон отиб кулдим.

— Пилла боқувчиларию, атлас киювчилари сероб экан-да. Шунинг учун тут ишқибози экансиз. Барг кесувчилари ҳам борми, — сўрадим завқим тошиб.

— Энди навбат, ўзингиз айтмоқчи, барг кесувчиларга-да, — «бўш келмайман» дегандек кўзларимга тикилиб, жилмайди у.

— Бўш келмайсиз! — деб қўйдим раиснинг табиати очиқлигидан кўнглим янада равшан тортиб: — Хўш, энди тут кесарлар пайдо бўлгунча Қўқон-Фарғона йўлининг икки чеккаси тутга тўладими?

— Тўлдирамиз! — деди раис хотиржам.

* * *

Билльярд тошини суришар эканмиз, ўша завқ, ўша ҳайрат билан раиснинг кий тутишини кузатдим. Мўлжал олган тошини туширмай қўймас экан. «Ҳамма ниятингизга етинг» деб қўйдим ичимда унга меҳрим тошиб.

Партком яқинимга келганда унга: «Бургут» деганингизча бор экан. Парвози ҳам баланд, чангал солиши ҳам эпчил, ўлжаси ҳам мўмай, кўзлагани ҳам ёрқин уфқлар... — дедим пичирлаб.

У мамнун бош силкиб, тасдиқ қилди:

— Одамнинг ўзига ишончи бўлса, парвози баланд бўлаверади!

* * *

Эрта билан машинани жадал тезлатиб, Қўқонга тушиб кетаётганимда кўмкўк осмонда бир парча булутдай қанотини ёзиб учиб кетаётган бургутни кўриб қолдим. Жуда тикда эди у. Гўё кўзларимга қуёшни ўлжа олгани учиб бораётгандай эди.

Раисни эслаб қўйдим.

САИЕР.

Замондошларимиз фазилати

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Ҳар гал, ҳар сафар жуда кўп одамларни учратамиз. Улар бири-биридан гўзал, бири-биридан дилкаш, заҳматкаш, одамохун. Қуйида ана шундай олижаноб, олий ҳиммат кишилар ҳақидаги икки лавҳани эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ШИФОХОНА ТОНГ ОТГУНЧА...

Лайлак қор ёғарди. Ҳаво совуқ, изғирин. Қўшқават биноларда сўнгги чироқлар ҳам сўнган. Сукунат, Шаҳар ноз уйқуда...

Лекин бу ердаги иморатларнинг баъзи хоналарида чироқлар йилтиллайди. Кимлардир уйқуни тарк этиб, беором, сергашвиш кўринади.

Бирдан телефон жиринглади.

Навбатчи врач Баҳри опа Муҳамеджонова узоқ ўйлаб ўтирмади. Беморни ўзи мудир бўлиб ишлаётган 2-терапия бўлимига жойлаштирди. Юрагига қулоқ тутди, дастлабки медицина кўригидан ўтказди. Бемор Валентина деган жувон дам ҳушига келар, дам ўзидан кетарди. Лабларини тамшаб, бошини силкитиб кимдандир нажот излар, баданлари ловулларди, ҳарорати бениҳоя баланд.

Баҳри опа бундай ҳолатни биринчи марта кўраётгани йўқ. Мана, 25 йилдирки, у Тошкентдаги тез ёрдам клиник касалхонасида ишлайди. Шу давр ичида жуда катта тажриба орттирди, қанча-дан-қанча оғир касалларни ўлим чангалидан қутқариб қолди, ҳаётга қайтарди. Бугун у оғир дардга чалинган Валентинага мадад бериши, ҳаётини асраб қолиши керак.

Врач саҳаргача бемор атрофида парвона бўлди, қўлидан келган ҳамма нарсани қилди. Беморнинг ҳарорати бир оз пасайган бўлсада, кўзлари сузилиб-сузилиб кетар. Боши эса бир томонга эгилиб қолганди.

— Ҳозир тамом бўлади, — деди кимдир оҳистагина.

Бу совуқ гап Баҳри опанинг юрагига бигиздек қадалгандай бўлди ва ҳалиги одамга ўгирилиб:

— Йўқ, унчалик эмас, бирор иложини топармиз, — деб қўйди.

Беморнинг тиззалари бўшашиб, қўллари беҳол бўлиб қолди. Баҳри опага врач Римма Федоровна Колузаева, ҳамшира Лидия Андреевна Буланова ёрдамга келишди.

— Қон қуйиш зарур! — деган фикр туғилди. Лекин бемор уколни кўтара олармикан?

Беморни яна бир бор кўздан кечиришди. Нормадаги ўлчов билан қон қуйилса, яхши самара бериши керак, деган хулосага келинди. Шундай қилишди ҳам. Тонготарда Валентина ҳушига келди, енгил нафас ола бошлади. Баҳри опа ва унинг ҳамкасблари билан хайрлашар экан, у севинчини ичига сиғдира олмай, кўзларига ёш олганича қўл силтаб қолди.

...Шифохона ҳаётидан бир лавҳа бу! Ҳа, 2-терапия бўлимининг мудири, жонкуяр врач Баҳри опа Муҳамеджонова сингари оқ халатли фидокорлар инсон саломатлиги йўлида вақтини, билим-тажрибасини аямай, тунни кунга улаб, ҳалол меҳнат қилишяпти. Аммо улар бу ҳақда негадир кўп гапиришмайди. Миннат ҳам қилишмайди.

Кун ботгандан тонг отгунча шундай! Улар ҳаммавақт сергак.

БАЛЛИ, ОНА ҚИЗИМ

Эркаклар уруш ҳақида ғазабланиб гапиришарди.

— Беш-олтита бомба шундай даҳшат билан портлаб кетдики, гўё осмон узилиб, ерга тушгандай бўлди. Госпиталда кўзимни очдим. Бундоқ қарасам, чап оёғим йўқ!

— Юзимдаги чандиқни айтасизми? Ўқ «ялаб» кетган!

Хуллас, ҳар ким ўз бошидан кечирганларини эсларди. Шу пайт эллик ёшлар чимасидаги бир аёл кўринди.

— Эркаклар суҳбатининг Сизга нима қизиғи бор? — деди қўлидаги ҳассаси билан ер чизиб турган бир киши.

Аёл беихтиёр тўхтаб қолди. Бояги одамларга термулганича, хаёлга чўмди. Узоқ ўйлади. Кўзларида ёш ҳалқаланди. Ҳамма ҳайрон. Нега?

Анна Григорьевна Алексеева ёшлик даврини эслади: 1941 йил август ойининг ўрталари эди ўшанда. Анна Тошкентдаги медицина ҳамширалари тайёрлаш мактабида ўқирди. Оилада онаси ва синглиси Валядан бўлак ҳеч кими йўқ. Бир ёқда уруш... Фашистлар жонажон Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кириб, Ленинград ва Москвага, Волга бўйидаги стратегик шаҳарларга интиляпти. Бутун мамлакат оёққа турган...

Анна ҳам фронтга йўл олди. У ҳам жанг майдонига ошиқарди.

— Жуда ёшсан, қизим—деди кумуш сочли, басавлат генерал,—ҳарбий госпиталда қолдирамиз, ярадорларга қарашасан.

— Мерганликка ўқимоқчиман!— туриб олди Анна. — Фашистни ўз қўлим билан отмоқчиман.

— Жудаям новдасан, ёш ниҳолсан, ҳали!

— Ўн саккизга қадам ташладимку, ўртоқ генерал.

Генерал жиддий қиёфада бундай деди:

— Гапни кўпайтирма! Рухсат бера олмайман. Ҳаққим йўқ, биласанми, ҳаққим йўқ! Госпиталда ишлайсан. Вассалом!

На чора! Анна Алексеева ўша кундан бошлаб ҳарбий госпиталда ҳамшира бўлиб ишлай бошлади. Дастлабки кунлари қийин бўлди: Ярадорлар кўп эди, кунда келиб турарди. Мерганликни ўрганишга вақти ҳам бўлмади. Тез орада кўникиб кетди. Уруш тамом бўлганига қадар ҳарбий госпиталда ҳамширалик қилди. Шу йиллар давомида Анна оғир шароитларда неча юзлаб ярадор солдат ва офицерларимизнинг ярасини боғлади, дардига даво топди, малҳам берди. Совет солдати омон бўлсин деб жонбозлик кўрсатди, тиним билмади.

Уруш тамом бўлгач, Аннани генерал ўз ҳузурига чақириб.

— Балли, она қизим, ҳарбийлар номидан ташаккур сенга! — деди.

Запасдаги кичик сержант Анна Алексеева урушнинг нималигини яхши билади. У Оққўрғон районидаги Тошҳовуз қишлоқ касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайди. У ўзи тарбиялаб, вояга етказган 5 фарзандининг уруш кўришини, қон тўкилишини истамайди. Миллион-миллион гўдакларнинг етим бўлишини, келинчакларнинг бева қолишини сира-сира истамайди.

Ана шундай! Заҳматкаш қалби қуёш, меҳри дарё кишиларни, кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган ва қуяётган одамларни ҳақиқий инсон дейдилар. Инсон гўзаллиги ҳам худди шунда.

С. ҚОДИРОВ.

КИНОМИЗ ШУҲРАТИ

Фильм тугаши билан, залда қарсак янгради. Москвадаги киночилар марказий уйида «Ўзбекфильм» студияси яратган «Шиддат» бадиий фильми намойиш қилинганда шундай бўлди. Ватанимиз пойтахтида қардош республикалар кино кунларини ўтказиш расм бўлиб қолди. СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги олдидан ўтказилган навбатдаги тадбир ўзбек киносининг бугунги кунига бағишланди.

Колхоз ҳаётини акс эттирувчи бу бадиий фильм москвалик кино ишқибозларини мамнун этди.

Ўзбекистон киносининг шуҳрати ортиб боряпти. Тбилиси шаҳрида Бутуниттифоқ V кинофестивали ўтказилаётган бугунги кунларда Ўзбекистонда яратилган кино картиналар ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. Фестиваль кунларида республикамиз кино студияси тақдим қилган «Шиддат» бадиий фильми, «Ленин ва Туркистон» ҳужжатли фильми ва илмий-оммабоп фильмлардан «Беозор илонлар» кўрсатиляпти.

Мамлакатимиз киностудияларида яратилган фильмларни ҳар икки йилда кўрикдан ўтказиб туриш расм бўлиб қолди. Бу сафарги фестивалда ўтган йили ишлаб чиқарилган фильмлар намойиш қилинмоқда. Бундай фестиваль янги фильмларни кўрикдан ўтказишнинг ўзига хос бир имтиҳони бўляпти. Тбилиси кинофестивали 29 февралгача давом этади. Грузия пойтахти кино залларида бадиий, хроникаль-ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар кўрсатиляпти.

Киночиларнинг бу анжуманида Ўзбекистондан ҳам кўзга кўринган санъаткорлар қатнашмоқда. Улар орасида СССР халқ артисти М. Қаюмов, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш. Аббосов, Х. Файзиев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист П. Саидқосимов, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Т. Нодиров, ёш киноактер А. Юнусоваларни учратиш мумкин.

Ғ. МАННОПОВ.

Тошкентдаги гулчилик совхози бу йил Тошкент шаҳрининг гул билан савдо қилувчи ташкилотларига 90 минг сўмликдан зиёд гуллар юборади. Ҳозир совхоз теплицасида ранг-баранг гуллар очилган. Суратда: гулчи Раъно Йўлдошева.

А. Авазов фотоси, (ЎзТАГ).

Спорт. ТЕТИКЛИК ВА БАРДАМЛИК НИШОНИ

Мамлакатимиз ёшу қарилари ўзига хос имтихондан ўтишадиган бўлди. Иттифоқимизда ГТО—СССР мудофааси ва меҳнатга тайёр комплексининг янги тури жорий этилди. Спортнинг оммавий тус олишида муҳим роль ўйновчи янги ГТО комплекси бўйича ишлар 1 мартдан бошланади.

1939 йилдан бери қўлланиб келинаётган ГТО комплекси мамлакатимизда спортнинг кенг ривож топишида муҳим роль ўйнади. ГТО нишонини спортчиларнинг ўзига хос фахрий ордени деса арзигулик. Бугунги кунда минглаб йигит-қизларимиз кўкрагини ана шундай нишон безаб турибди. ГТО нормасини топширган ёшлар немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган кураш йилларида ҳам ўзларининг бақувват ва абжирликлари билан жангчи тенгдошларидан ажралиб туришди. Урушдан кейин мамлакат халқ хўжалигини қайта тиклаш йиллари меҳнат фронтида ҳам бундай нишондор спортга меҳр қўйганларнинг хизмати чакки бўлмади.

Бироқ, Коммунистик партиямизнинг совет физкультурачилари олдига қўйган шарафли вазифаларини уддалашда ГТОнинг бугунгача қўлланилиб келган комплекси талабга жавоб беролмай қолди. Совет кишиларининг ҳар томонлама жисмоний камол топишида спорт кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши лозим. Жисмоний тарбия—ГТОнинг янада такомиллаштирилиши ҳам шундан.

Янги комплекс СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети билан ҳамкорликда қайта ишлаб чиқилди. Кенг жамоатчилик томонидан тўла маъқулланган мазкур ГТО комплексининг жорий этилиши партиямиз XXIV съездининг мамлакатимизда физкультура ва спортни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг ҳаётга татбиқ этилишидир.

Энди кишиларимиз ёшига нисбатан жисмоний тарбия билан шуғулланишлари турли босқичлардан иборат бўлади. Биринчи босқич — «Чаққонлик ва довюраклик» деб аталиб, унга 10-11 ёшли қизлар, 12-13 баҳорни кўрган болалар жалб қилинади: «Спорт сменаси» — иккинчи босқич шундай номланган. Буниси 14-15 га кирган ўсмирларга таллуқлидир. Навбатдаги босқич 16 ёшли навқирон дўстлар билан 18 га қадам қўйган қизларга. Улар «Кучлилик ва мардлик» шиори остида ҳаракат қилишади. Кейингиси «Жисмоний камолот» дейилган. Бунда 19-34 ёшгача бўлган хотин-қизлар билан 19-39 ўртасидаги эркаклар куч йиғадилар. Охирги — бешинчисида спортда муносиб из қолдиришга ҳаракат қилганлар — 35-55 га кирган оналар билан 40-60 яшарли оталар «Тетиклик ва соғломлик» босқичини ўтайдилар.

Ҳар қайси босқич, жумладан тўртинчи ва бешинчисида граждан мудофааси талаблари ҳамда бу борадаги назарий тайёргарлик ўз ифодасини топади. Мазкур босқичларда ГТО нормасини бажарган ўспирин йигитлар энди армия хизматини ўташ учун ҳарбий техникадан бир мунча хабардор ва жисмонан чиниққан ҳолда келадилар.

ГТО нишондори бўлиш учун талаблар ҳам кучайтирилди. Аввалари 19 га кирган ёшлар 100 метрга югуришда 14,5 секунд, 5 километрга чанғида 30,5 минут вақт сарфлашган ва узоққа сакрашда 430 сантиметрни ишғол этиб, 100 метрга сузиб боришлари кифоя қиларди. Энди 19-28 ёшли йигитлар учун бу рақамлар қуйидагича ўзгарди: 13 секунд, 24 минут, 5 метр. Сузиш учун ҳам норма белгиланди — 1 минуту 50 секунд.

Янги комплекс — ГТО нишонлари оддий бўлмайди. Янги қоида бўйича энг юқори натижаларга эришган спортчиларга «Олтин» ва «Кумуш» нишонлари берилади. Кўзда тутилган мақсадларга эришиш барча жисмоний тарбия ва спорт комитетлари олдига катта вазифалар юклайди. Бу ишларни касаба союз, комсомол ташкилотлари, ДОСААФ комитетлари, кўнгилли спорт жамияти советлари ҳамкорликда амалга оширишса нафи кўпроқ бўлади. Яна бир неча йиллар ўтиши билан тетиклик ва бардамликнинг янги комплекси нишондорлари кўпаяди, бақувват ва эпчил спортчилар сафи кенгаяди.

Планетамизда

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БЕРЛИН.** К. А. Фединн туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан ГДР Давлат кенгаши совет ёзувчисини «Халқлар дўстлиги юлдузи» олтин ордени билан мукофотлади.

◆ **ВЕНА.** Бу ердаги темир йўлчилар касаба союзи уйида қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Австрия гражданларидан бир мингга яқин киши Вьетнам ватанпарварларининг Америка агрессорларига қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаб чиқди.

Митинг қатнашчилари Вьетнамдаги Америка агрессиясига қарши норозилик резолюциясин қабул қилдилар ва курашаётган Вьетнам халқига ёрдам фонди учун маблағ тўпладилар.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** Америка авиацияси 25 февралга ўтар кечаси Жанубий Вьетнам территориясини бомбардимон қилишни давом эттирди. «В-52» типидаги оғир бомбардимончи самолётлар Плейку вилоятининг марказий районларига, шунингдек, қуролсизлантирилган зонадаги Ашау водийсига ҳужум қилди. ЮПИ агентлиги мухбири Сайгондан шу ҳақда хабар берди.

◆ **АММОН.** Исроил маъмурлари босқинчиларга қарши курашаётган араб ватанпарварларини қийнашни кучайтирмоқдалар. Ғазодан олинган хабарларга қараганда, шу шаҳардаги Исроил ҳарбий суди Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг иштирокчиси Обид Рабод Алқадини 17 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Лидда шаҳридаги ҳарбий суд Мустафо Иброҳим Азбекин [у ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган] беш йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

◆ **НЬЮ-ЙОРК.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Г. Ярринг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ ўз зиммасига юклатилган вазифани давом эттириб, Исроилга келди. Г. Ярринг 23 февралда Иордания пойтахтида бўлган вақтида гапириб, шу резолюцияни амалга ошириш кераклигини яна бир марта уқтириб ўтди.

[ТАСС].

МУСТАҲКАМ МАРКА

НИЦЦА. «Верньє» фирмаси. Фирма эгаларидан бири бўлган — Альфред Миарелли бизларни қабул қилди. Заводни кўздан кечиргунча Миарелли бизларга «Верньє» фирмасига уч завод қарашли эканлиги тўғрисида гапириб берди. Уларнинг кенжаси 1957 йили Ниццада қурилган. Корхонада юқори аниқликдаги фрезерлик ва токарлик дастгоҳлари ишлаб чиқарилади. Уни Европада, Америка ва Австралияда бажонидил сотиб олишади.

— Станокларимиздан бир нечаси Москвадаги виставкада намойиш этилган, — дейди Миарелли, уларнинг ҳаммаси совет савдо ташкилотлари томонидан сотиб олинди. Ўшандан буён фрезерлик ва токарлик дастгоҳларини Совет Иттифоқига доимий равишда сотиб келамиз. Тўғри, Сизларнинг мамлакатларингиз уларни ўзи ишлаб чиқаради ва жаҳон бозорида жиддий конкурентлардан бўлиб бормоқда. Лекин бу бизни хижолатга солиб қўймайди, чунки биз дастгоҳларнинг бошқа турларини ишлаб чиқармоқдамиз.

Фирма Совет Иттифоқи корхоналари билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб турадими, деган саволга директор бир қанча имкониятлар бўлишига қарамасдан ҳали мустаҳкам алоқа ўрнатилганича йўқ, дея жавоб берди. Яқинда Советлар мамлакати билан техника ҳужжатлари алмашиш юзасидан тажриба ўтказилди. Бундан ташқари «Верньє» фирмаси ўз заводлари учун «СССРда тайёрланган» маркали айрим дастгоҳларни сотиб олмоқда.

Идорадан цехгача атиги бир неча 100 метр экан. Дастгоҳлар ўртасидан кетаётганимизда Миарелли уларнинг бири ёнида тўхтади. Машинага «Свердлов номли завод. Ленинград». тамғаси босилган. Ана шундай машиналардан ўнтасини сақладик. Улар Советлар мамлакатида ишланган. Миареллидан машиналар ҳақида қандай фикрдалигини сўрадим. У кулиб қўйди-да, деди:

— Биз капиталистлар, ҳисоб-чўт билан иш юритувчи одамлармиз. Борди-ю машиналарингиз ёмон бўлганида эди, ишончингиз комил бўлаверсин, биз сотиб олармидик.

Сизларда тайёрланган дастгоҳлар Европадан сотиб олганимизга қараганда яхши. Улар тез ва аниқ ишлашади. Бизлар 1972 йилги молия планида Совет Иттифоқидан ана шундай дастгоҳлардан сотиб олиш учун маблағлар ажратилганини кўрдик.

Бизларнинг дастгоҳимизда деталнн қайта ишлаётган ишчи ёнига келдим. Унинг исми-шарифи Жак-Паль Белл экан.

— Ажойиб дастгоҳ экан, бетўхтов ишлаяпти. Ў кишини сира маломатга қолдирмайди...

Миарелли ҳам суҳбатимизга қўшилди:

— Булардан ташқари машинанинг қадри шундан иборатки, у мустаҳкам ва чидамли, тинимсиз ўн йил бемалол ишлай олади. Ғарбда ишланган худди шундай механизмлар эса тезда ишдан чиқади.

Тайёр маҳсулотлар цехида Миарелли суҳбатини якунлаб деди:

— Мана бу 30 та дастгоҳ Совет Иттифоқига жўнатишга тайёрлаб қўйилган. Ана кўряпсиз-ку, алоқаларимиз мустаҳкамланиб боряпти...

Ю. БОЧКАРЕВ,
(АПН махсус мухбири).
Ницца — Париж.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

«МЕҲРИБОНЛИК»

Жанубий Вьетнамдаги АҚШ ҳарбий маъмурлари баъзан журналистларга жуда антиқа маълумотларни хабар қиладилар. Бу билан улар америка босқинчиларини каллакесар эмас, балки ҳаддан ташқари «меҳрибон ва раҳмдил» эканликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Ҳисоб-китобларга қараганда, америка солдатлари 1969 йилда ўз юртларига қайтаётиб Жанубий Вьетнамдан 270 ит, 33 мушук, 19 судралувчи жонивор, 20 маймун, 26 қуш, 3 калтакесак ва 1 тулкини ўзлари билан олиб кетишган. Тирик мавжудотга нақадар ғамхўрлик! Лекин аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун бу «қаҳрамонлар» ўзлари ўлдирган ва суратини эсдалик учун олиб қўйишган Вьетнам аёллари ва болаларини ҳам қўшиб ҳисоблашса яхшироқ бўларди.

ФОЙДАЛИ ҲУКМ

Ўзини 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этишганидан Отто Хоппе беҳад суюниб кетди... Бу ҳазил гап эмас, ахир! Хоппе — Бухенвальд гитлерчилар концлагерининг собиқ соқчиси эди. Маҳбусларни ваҳшиёна қийнагани ва ўлдиргани учун 1950 йилда у суд қилиниб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. У турмада 16 йил ўтирди. 1966 йилда ҳарбий жиноятчиларни ҳимоя қилиш соҳасида пихини ёрган адвокатлардан бири унинг ишини қайта кўрдиришга муваффақ бўлди. Хоппени озод қилишди. Шу йилнинг январида унинг иши қайта кўриб чиқилди. Суд қотилнинг жазо муддатини 15 йилга туширди. Хоппе шу муддатдан бир йил «ошиқ» ўтиргани учун суд унга компенсация тўлаш тўғрисида қарор чиқарди. У суюнмай, ким суюнсин!

РОБИНЗОНЛАР РЕСПУБЛИКАСИ

Фиджи оролларидан 450 километрча наридаги муъжазгина оролда янги «республика» байроғи кўтарилди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича, «ғарбча ҳаёт тарзидан безган учта америкалик йигит» оролчани республика деб эълон қилишган. Улардан бири—Марк Оливер: «Биз ўсиб бораётган солиқ, гиёвандлик, жиноят»дан қочиб, бу ерда макон тутдик, дейди. Республикачилар оролда порт қуриб шаҳарга асос солишмоқчи ва «ғарб маданияти»дан қочиб келувчиларни ўз ҳимояларига олишмоқчи.

АЁЛЛАР НОМИНИ ЭЪЗОЗЛАНГ!

— Черил фалон шаҳарни вайрон қилди ёки Бетси фалон ерга катта зарар етказди, — деган хабарларни радиодан эшитавериш жонимга тегди, —деди Америкадаги «Бугунги хотин-қизлар» ташкилотининг арбоби Роксли Болтон. У метеорологларнинг довулларга аёллар номини беришларига қарши қатъий норозилик билдирди. Бу хотин-қизларни камситиш ва ҳурмат қилмасликдан бошқа нарса эмас, — деди Болтон хоним метеорологлар конференциясида гапириб. — Довулларни аёллар исми билан эмас, балки америка сенаторларининг фамилиялари билан аташ керак, — деди у.

ҚОТИЛ... БОКСЧИ

Америкалик енгил вазнли боксчи Ли Хантер одам ўлдиргани учун 18 йиллик қамоқ жазосини ўтамоқда. Шунга қарамай, у АҚШ боксчилари командаси сафида Мюнхенда ўтадиган олимпиада ўйинларига қатнашадиган бўлди. Лекин қотил боксчи бироз хафа. Нега деганда, уни олимпиада командаси сафига киритишдан олдин Мюнхенга боришда уни назорат қилиб юрувчи қоровулга кетадиган харажатларни тўлашга мажбур қилишди.

СОЦИАЛИЗМ ФАЗИЛАТИ

Шу кунларда бутун Польшада, шимолдаги Болтиқ портларидан тортиб жанубдаги шахтерлар ўлкасигача минглаб завод, фабрика, қурилиш ва конларнинг коллективлари ўз мажбуриятларини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Мусобақанинг олдинги сафларида кончилар боришмоқда. Суратда: «Бориня» шахтасининг энг яхши кончилари.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТИ

Америка Қўшма Штатларида ишсизлар сони 5 миллион кишидан ошиб кетди. Бу ерда ишсизлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Суратда: ишсиз кишилар бирор иш топиш илинжида меҳнат биржасида навбат кутиб туришибди.

Америкада чиқадиган «Ньюсуик» журналидан олинган сурат.

МУЖИБУР РАҲМОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш Халқ Республикасининг бош министри Мужибур Раҳмон ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Биз Совет ҳукуматига ва улуғ совет халқига самимий ташаккурларимизни топширмоқ ва жуда катта ташаккур ҳисларини изҳор этмоқ учун дўстлик миссияси билан Совет Иттифоқига бораётирмиз. Бангладеш халқи ва ҳукумати улуғ Совет Иттифоқи раҳбарларидан ниҳоят даражада миннатдор, чунки улар барча мазлум халқларнинг миллий озодлик ишини кескин равишда ҳимоя қилмоқдалар. Республикамиз халқи Совет ҳукуматининг ва Совет Иттифоқи халқининг озодлик курашимизга берган ёрдами ва мададини ҳеч қачон унутмайди».

Мужибур Раҳмон Шарқий Бенгалия аҳолисига нисбатан ўтказилиб келган геноцид сиёсатига аввал бошдаёқ норозилик билдирган Совет Иттифоқига миннатдорчилик изҳор қилди ва ўзини турмадан қутқариш йўлида Совет ҳукумати катта ғайрат сарфлаганлигини айтиб, бунга юксак баҳо берди. Бош министр Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги тутган изчил позициясини ҳам табриклаб гапирди. Совет Иттифоқининг бу позицияси, деди Мужибур Раҳмон «империалистик давлатларнинг Бангладешдаги озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган фитнасини» барбод қилишга ёрдам берди.

Мужибур Раҳмон ёш республика ташқи сиёсатининг асосий принципларига тўхталиб айтдики, Бангладеш ҳукумати «қўшилмаслик ва бетарафликдан иборат ижобий ва мустақил йўлни муттасил ўтказа беради ҳамда Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан бирга тинчлик ва халқлар эркинлиги иши учун, демократия ва социализмни ер юзида барқарор қилиш учун курашади».

Бош министр Мужибур Раҳмон кўп миллатли Совет давлати — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган куннинг бу йил нишонланиладиган 50 йиллигини Бангладеш халқи ва ҳукумати номидан табриклади.

Бангладеш Халқ Республикасининг бошлиғи пировардида бундай деди: «Биз умид қиламизки, Совет Иттифоқига визитимиз Совет Иттифоқи билан Бангладеш республикаси ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлаб, ҳар иккала дўст давлатнинг раҳбарлари ўртасида шахсий алоқалар ўрнатишга ёрдам беради».

«АНТИСОВЕТИЗМ ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚЎЛ КЕЛАДИ»

ПАРИЖ. (ТАСС). Француз парламент делегацияси билан бирга Хитой Халқ Республикасига бориб келган депутат коммунист Луи Одрю ҳафталик «Франс-Нувель» газетасида босилган мақолада Хитойдаги антисовет кампанияни қаттиқ қоралади. Бу антисоветизм, дейилади шу мақолада, Хитой раҳбарларининг расмий гапларидан кўриниб турибди, улар хитой халқини Ленин мамлакатига ва халқаро коммунистик ҳаракатга қарши қилиб қўйишга уринмоқдалар. Хитойда деб ёзади, Л. Одрю, америка империализмига қарши кураш ўрнига «совет таҳдиди»га қарши курашни авж олдирмоқдалар.

Р. Никсон Пекинга ташриф буюрди. Халқ орасида тарқатилаётгач мана шу ашаддий антисовет кайфиятларнинг ҳаммасини Р. Никсон яхши билади. Хитойни озод қилиш учун, унинг ички тикланиши учун, Даллеслар ва Маккартурлар таҳдид солиб турган бир вақтда Хитойнинг ўзини сақлаб қолиши учун Ленин мамлакати нималар қилганлигини унутиб юборишга халқни мажбур этмоқдалар.

Француз делегациясининг аъзолари билан бўлган учрашувда, дейди Одрю, Чжоу Эньлай бизга ваъда бериб, Хитой раҳбарлари Ҳинди-Хитой халқлари билан ўзларининг бирдам эканликларини Никсонга айтадилар, деди. Лекин Антисоветизмни ким тарғиб қилаётганлигидан қатъий назар, у ҳар доим империализмга қўл бўлиб келган.

Хитойдан қайтиб келганимдан кейин, деб ёзади Л. Одрю, мен Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлиги ва мустақиллиги учун кураш ҳаракатига бағишланган жаҳон ассамблеясининг якунловчи намойишда қатнашдим. Ассамблеяда 84 мамлакатнинг вакиллари иштирок этди, лекин улар орасида хитойлар бўлмади.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Болалар учун музикали кўрсатув. 10.00 — Митти футбол. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.15 — «Будильник». 11.45 — «Здоровье». 12.15 — **Тўрт танкчи ва ит** (бадиий фильмнинг 10-серияси). 13.15 — Мультфильм. 13.30 — Бутуниттифоқ халқ ижоди фестивали. 15.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.00 — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида. 16.25 — Янгиликлар. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Кинофильм. 16.50 — **Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари** (телефильмнинг 6-серияси). 17.15 — Ёзувчилар — болаларга. Собир Юнусов. 18.15 — **Ҳайвонларни ўргатувчилар** (кинофильм). 18.55 — Ахборот. 19.10 — **«Коммунист»** (тележурнал). 19.40 — **Ечим** (бадиий фильм). 21.10 — **Концерт.** 22.10 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. 17.00 — Телеспектакль. 18.15 — Телевизион халқ университети. 19.00 — Бокс бўйича халқаро мусобақалар. 20.30 — Киножурнал. 20.40 — Кинопанорама. 22.10 — **Интиқом** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — ТОШКЕНТ. **Хоккей:** «СПАРТАК» (Тошкент) — «АВТОМОБИЛИСТ» (Олмаота). 20.30 — **ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.**

28 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.25 — ТОШКЕНТ 17.30 — **Тўпсиз ўйин** (кинофильм). 18.00 — «Доим тайёр». 18.25 — **Марек Пегуснинг ғаройиб саргузаштлари** (телефильмнинг 7-серияси). 18.50 — Совет Армияси жангчилари учун. 19.10 — Ахборот. 19.25 — Фильм-концерт. 20.15 — Музикали танаффус. 20.25 — Ахборот. 20.45 — **Кўрпангга қараб...** (телеспектакль). 21.30 — Оламда нима гап? 22.00 — МОСКВА. **Футбол:** «ДИНАМО» (Москва) — «ШАХТЕР» (Донецк). 22.45 — «Вақт». 23.15 — **Хоккей:** ЦСКА — «ДИНАМО» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Мультфильмлар. 13.15 — **Чукотка бошлиғи,** (бадиий фильм). 14.35 — Шахмат мактаби. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — «Гулхан». 19.00 — **Мишель ва Мишутка** (телефильм). 19.30 — Ҳаваскорлар концерти. 20.00 — Фильм-концерт. 20.45 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. **Тоҳир ва Зуҳра** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Олтин девор** (кундузи), **Парвоз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Лақма** (кундузи), **Ярим тундаги ўғирлик** (кечқурун), 28/II да **Ёшликда берган кўнгил.**

КИНО

Садоқат (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КЎКЧА», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Соқов ва севги (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8.45 минутда). **Чингачгук—катта илон** (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Менинг соҳибжамол малинам (кундуз соат 2, кеч соат 8 да). **Масхарабозлар** (кундуз соат 12, ва 5 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Том Жонс — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Уч гувоҳ (кундуз соат 12, 2 ва 4 да). **Дайди** (2 серия, кеч соат 6 ва 9 да) — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ.

Самарқанд областининг
ОҚТОШ ШАҲРИДА
«ДУСТЛИК» кинотеатри биносида
1, 2 МАРТДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тираж эрталаб соат 10 да бошланади.
Кириш бепул.

РЕСПУБЛИКА «УЗГЛАВИНСТРУМЕНТ ЗАПЧАСТЬ» ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ БАЗАСИ
(Стародубцев кўчаси, 130-уй)
моддий-техника ресурсларини истеъмолчиларга тарқатиш бўйича қуйидаги иш тартиби ўрнатилганлигини

БИЛДИРАДИ

истеъмолчиларга моддий-техника ресурсларини тарқатиш бўйича ҳужжатлар эрталаб соат 9 дан кундуз соат 4 гача расмийлаштирилади;
Моллар уларни олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилган куни берилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №25, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропагада қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 43—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 49. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01243.